

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1527-ҳадис

1527 - وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَمَّا حَضَرْتُ أُحُدَ دَعَانِي أَبِي مِنَ اللَّيْلِ فَقَالَ: مَا أُرَانِي إِلَّا مَقْتُولًا فِي أَوَّلِ مَنْ يُقْتَلُ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَإِنِّي لَا أَتْرُكُ بَعْدِي أَعَزَّ عَلَيَّ مِنْكَ غَيْرَ نَفْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَإِنَّ عَلَيَّ دَيْنًا فَاقْضِ، وَاسْتَوْصِ بِأَخَوَاتِكَ خَيْرًا. فَأَصْبَحْنَا، فَكَانَ أَوَّلَ قَتِيلٍ، وَدَفَنْتُ مَعَهُ آخَرَ فِي قَبْرِهِ، ثُمَّ لَمْ تَطِبْ نَفْسِي أَنْ أَتْرُكَهُ مَعَ آخَرَ، فَاسْتَحْرَجْتُهُ بَعْدَ سِتَّةِ أَشْهُرٍ، فَإِذَا هُوَ كَيَوْمَ وَضَعْتُهُ غَيْرَ أَذْنِهِ، فَجَعَلْتُهُ فِي قَبْرِ عَلِيٍّ حِدَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1351، 1352].

1527. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Уҳуд куни кечаси отам мени чақириб: «Гумонимча бугун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари ичида биринчи ўлдирилган киши мен бўлсам керак. Ўзимдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳисобга олмаганда сендан кўра азизроқ киши йўқдир. Албатта менинг бўйнимда қарзларим бордир. Сен уларни узгин. Ака-укаларингга яхши муомалада бўлгин», дедилар. Ҳақиқатда ўша куни биринчи ўлдирилган киши отамиз бўлдилар. Мен отамни бир кишига қўшиб қабрга дафн этдим. Кейин бу қилган ишимдан кўнглим таскин топмади. Олти ой ўтгандан кейин қайта қазиб олдим. Отам қабрга қўйган кунимдагидек қулоқларидан бошқа аъзолари ўзгармаган ҳолатда турибдилар. Мен алоҳида ўзларини қабрга қўйдим».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Жобирнинг отасини исми Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарром эди. Ҳоким Нособурийнинг ал-Мустадрак китобида Воқидийдан нақл қилинишича, Абдуллоҳ Бадр шаҳидларидан Мубашшир ибн Абдулмунзирни тушида кўрган, Мубашшир унга: «Сен шу кунларда бизга қўшиласан», деган. У ҳам тушини Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берган, Расулulloҳ эса: «Бу шаҳидликдир», деб таъбир қилганлар. Шу ҳодиса асосида Абдуллоҳ ўғлига уҳуддаги биринчи шаҳидлардан бўлишини айтган бўлиши мумкин. Муҳими, қандай сабаб билан бўлишидан қатъий назар, айтганларининг ҳақиқат бўлишидир. Бу Абдуллоҳнинг биринчи кароматидир.

Жобир отасининг васиятини бажариб, қарзларини тўлаган ва яқинларига оталик қилган. Отасининг бир қулоғи кесилган ҳолатда, отасининг поччаси бўлган Амр ибн Жамуҳ билан бир қабрга дафн қилинган. Зотан бутун Уҳуд шаҳидлари вақт озлиги учун ва имконсизлиги сабабидан Пайғамбарнинг буйруғи билан кийимлари билан ва ювилмасдан иккита- иккидан дафн қилинган. Кейинчалик Жобир ўртача ҳисоб билан олти ой оралиғида отасини бошқа қабрга алоҳида қилиб кўмган. Фақат уни олти ойдан кейин ҳайратга солган манзара, Уҳуд шаҳидларининг олти ойдан кейин ҳам кеча дафн қилинган каби турганлигидир. Бу эса Абдуллоҳнинг иккинчи каромати эди.

Турли вақт ва ерларда бундай вафот этгандан кўп вақт ўтгандан кейин ҳам чиримаган жасадлар ҳақида эшитиб қоламиз. Баъзилар буларга ишонишади, баъзилар эса “бундай нарса бўлиши мумкинми?” деб ҳайратланади. Саҳобанинг ўғли Жобир (р.а.) бу хабарни: “Чиримаган жасадлар” ҳақиқатига ҳеч бир эътироз билдирмайдиган тарзда очиқ баён қилган. Замон ва маконни яратган Аллоҳ хоҳласа уларга каромат, бизларга эса ибрат олишимиз учун баданларини чиритмайди. Бу ҳадис бунинг бир ўрнагидир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIIDLARI